



THE NATURE AND ART OF JOKES CONFLICTING IN FOOTBALL AND ATTITUDE TO FOOTBALL

Hayitov Hamza Ahmadovich¹

¹ Independent researcher at the Department of Uzbek Language and Literature of Bukhara State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4748920>

ARTICLE INFO

Received: 1st May 2021

Accepted: 5th May 2021

Online: 10th May 2021

KEY WORDS

football, football player, anecdote, folk anecdote, literary anecdote, fan, comedy, folk laughter, humor, satire

ABSTRACT

The article discusses the artistic and aesthetic features of folk anecdotes, which reflect the attitude to football and the lives of players, the exaggerated, satirical and humorous interpretation of the image of football fans in such anecdotes.

ФУТБОЛ ВА ФУТБОЛГА МУНОСАБАТ АКС ЭТГАН ЛАТИФАЛАР ТАБИАТИ ВА БАДИИЯТИ

Хайитов Ҳамза Аҳмадович¹

¹ БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мустақил изланувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

KALIT SO'ZLAR

футбол, футболчи, латифа, халқ латифаси, адабий латифа, фанат, ҳажвий қиёфа, халқ кулгиси, юмор, сатира

ANNOTATSIYA

Мақолада футбол ва футболчилар ҳаётига муносабат акс этган халқ латифаларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари, бундай латифаларда футболга фанат кишилар образининг муболағали, сатирик ва юмористик талқини ҳақида фикр юритилган.

Халқ латифаларининг бир қисми бевосита футболга, футболчилар ҳаётига муносабатни акс эттириши билан ажралиб туради. Айниқса, уларда футболга фанат кишилар образининг муболағали, сатирик ва юмористик талқини алоҳида эътиборни тортади. Лекин шу пайтгача латифаларнинг бу типига алоҳида муносабат кўрсатилмаган.

Латифаларнинг футбол фанатлари номига боғланиши халқ латифалари ва адабий латифалар мисолида ҳам кузатилади. Бу борада Анвар Обиджоннинг “Балога қолган футболчи” китобини эслаш ўринли бўлади.¹ Шунингдек, Анвар Обиджоннинг “Олтиариқ хангомалари” китобида келтирилган латифалар орасида ҳам бундай латифаларга алоҳида ўрин

¹Обиджон А. Балога қолган футболчи. – Т.: Шарқ,



ажратилган. Улардан бирида доврүкли ишбилармон Ҳокимназарбек футболнинг ашаддий ишқибози экани, ўзи қойилмақом хужумчиларданлиги, Полосон қишлоғига ўз маблағи ҳисобидан ҳашаматли стадион ҳам қуриб бергани таърифланган. Шундан сўнг китобда: “Бир куни қарасам, қишлоқ командасининг ўйновчи тренери Тилламат оқсаб юрибди. Сабабини сўраган эдим, кеча беш ярим тайм футбол ўйнаб, оёғимда оёқ қолмади, деди. Футбол дегани икки тайм ўйналарди шекилли, десам, у қовок уйганича жавоб қилди: – Бошқа жойларда шунақа. Бизда то Ҳокимназар гол урмагунча ўйин тугамайди...”, – дея ҳикоя қилинади.

Демак, мазкур латифада манфаатпарастлик ҳамда худбинлик билан амалга оширилган тadbиркорлик фoш этилмоқда. Ишбилармон Ҳокимназарбекнинг футболга ашаддий ишқибозлик қилиши ва қишлоғига ўз маблағи ҳисобидан ҳашаматли стадион қуриб бергани яхши, лекин уни, асосан, ўз манфаатига мослаши, аслида икки таймлик футболни то ўзи гол урмагунча чўзиб юбориши, яъни белгиланган анъанавий қоидаларни назар-писанд қилмай бузиши асло мақтовга лойиқ эмас. Шунинг учун адиб қишлоқ командасининг ўйновчи тренери Тилламатнинг бу ҳолатга “қовок уйганича, яъни жуда норози кайфиятда “бу жойларда шунақа” деб муносабат билдиришига алоҳида урғу қаратган.

Бу ўринда Ҳокимназарбек антропонимининг қўлланишида ҳам ўзига хос киноя мавжуд. Унинг таркибида ҳоким+назар+бек қисмлари қўшилиб келиши тасодиф эмас. Бу билан қаҳрамоннинг ўзини ҳокимлару беклардек

тутишига, ҳамманинг назари ўзида бўлишини хоҳлашига киноя қилинмоқда.

Умуман айтганда, футбол мавзуси Анвар Обиджоннинг ҳангома ҳикояларида алоҳида ўринга эга. Бу жиҳатдан адибнинг “Пидбўл” номли ҳикоясини ҳам эслаб ўтиш мумкин. Ушбу ҳикояга адиб ўз ҳажвий қаҳрамонларидан бўлган Гулмат ғазалидан:

Инглиз отлиғ бир оролча тарқатибдур, қаранг пиббўл,

Ўйнар эрмиш эмди қўрқмай Русийе-ла, Фаранг пиббўл,² –

байтини эпиграф қилиб келтирган. Ҳикояда кулги кўзғатиш учун “футбол” сўзи атайлаб “пидбўл” тарзида бузиб талаффуз қилинган. Чунки ўзбеклар орасида аслида инглизлар томонидан кашф қилинган ва номи ҳам уларнинг тилидан олиниб, дунёга шу ному “миллионлар ўйини” перефразаси билан кенг тарқалган “футбол” сўзи “путбол”, “питбол”, “пидбўл” шаклида талаффуз қилиниши кулоққа чалинади. Бунда сўз аслиятидаги нутқ товушларидан фақатгина б, л товушлари сақланиб, “ф” лаб-тиш ундошининг “п” лаб-лаб, “т” тил-тиш жарангсиз ундошининг “д” тил-тиш жарангли ундошига, унлилардан “у”нинг “и”, “о”нинг “ў” товушига алмашгани намоён бўлади.

Ҳикояда футболга фанатликнинг қуйидагича муболағали, лоф ва аския синтезига асосланган ифодаси қаҳқаҳа кулгини келтириб чиқаришга хизмат қилган: “Пидбўл деса, кенжа ўғлим чимилдикни ташлаб чиқадиган хилидан, – илжайиб мўйлов силади Топиндиқ оға. – Чет элдаги зўр камандалар ўйнапти деганига дил кетиб, ўғлимга уч-тўрт марта биқиндош бўлдим. Зап ўйин экан-да, бу пидбўл баччағар!”³

² Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.133-136.

³ Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.134.



“Пидбўл” ҳикоясида Топиндик оғанинг футбол жамоалари номланишига муносабати ҳам ўзига хос кулги уйғотади: “Паранглардаям қозоқ маҳалла боракан, . – дея жиддий оҳангда сўз қотди Топиндик оға. Ўша маҳалланинг кўзи ўйнаган йигитлари “Пари, сени жермен”, деб майдоннинг чапига ёйилишди. Италиёлик парилар “Балони е”, деб ўнг тарафга ўтишди. Ўзлариям пари деса дегудек узунсоч баччалар экан. Бунақаларга пидбўлдан кўра тўптош ярашади... Эртаси куни ўрисларнинг “Лўкиллатув” деган пидбўлчилари ўйнашди.”⁴ Шу тартибда ҳикояда яна “Боруссия” – “Бор русингга”, “Галатасарой” – “Ғалати солай” дунёга машҳур футбол жамоаларининг номлари кулгили тарзда изоҳлаб берилган.

Топиндик оға нутқида футболчиларнинг катта ойлик олиши, бирор томон дарвозага тўп урса, телешарҳловчи, ўйинчи ва томошабинларнинг бараварига “То-о-л!” деб бақириши, футболчилар ўйинда бир-бирига зарар, шикаст етказса, судья – “оқсоқол” томонидан сариқ ё қизил карточка – “қоғозча” билан огоҳлантирилиши ёки жазоланиши масалалари ҳам ёритилган.

Анвар Обиджоннинг “Олтиариқ хангомалари” китобидаги латифалардан

бирида телбатабиат кимсаларнинг жиннихонада футбол ўйнаши билан боғлиқ бир латифа ҳам ўрин олган. Маълумки, телба, жинни, девона – рухий беморларнинг жиннихонадаги ҳаётини акс эттирувчи латифалар халқ латифаларининг бир мавзуй туркуми сифатида намоён бўлади. Аммо бундай латифалар ҳам ҳали махсус тўплаб ўрганилмаган. Ҳолбуки, бу туркум латифалар дунё халқлари фольклорида учрайди. Жумладан, келтирилган латифада ҳаммаёғи дабдала бўлиб кетган Раис – мелисани дўхтирхонага опкелиб, дарҳол операция қила бошлашибди. Бош врач хонасидан чиқиб қараса, бир гала одам дахлизда ғалағовур кўтариб юрганмиш. “Кимсизлар?” – деб сўрабди бош врач. “Психлар касалхонасидаги футболчилармиз”, – деб жавоб қилишибди турганлар. “Унда бу ёқда нима қилиб юрибсизлар?” – дебди бош врач. “Кутиб турибмиз. Тўпимизни анави хонага опкириб ямашяпти”, – дейишибди жиннилар.⁵

Хуллас, халқ латифалари ёки улар асосида яратилган асарларда рухий беморлар ва уларни даволовчи шифокорлар ҳаёти, футбол фанатлари суҳбати кулги воситасида берилиши кузатилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Обиджон А. Балога қолган футболчи. – Т.: Шарқ,
- 2.Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.133-136.
- 3.Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.134.
- 4.Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.134-135.
- 5.Анвар Обиджон. Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.93.

⁴ Анвар Обиджон. Питбўл / Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.134-135.

⁵ Анвар Обиджон. Олтиариқ хангомалари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.93.